## ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Форумда япониялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан таништирилди.

— Япония Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билан қарайди, — деди Йочи Като. — Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой, улкан интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Бу омиллар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини жадал тараққий эттиришга хизмат қилмоқда. Юртингизда чет эл ишбилармонлари учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлар Япония иш одамларининг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини тобора кучайтирмоқда. Ушбу форум мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Япониянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили қарийб икки ярим баробар ўсди. Сармоявий ҳамкорлик кўлами ҳам муттасил кенгаймоқда.

Мамлакатимизга Япониянинг кўплаб йирик фирма ва компанияларидан вакиллар келгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга эътиборини кучайтираётганидан далолатдир.

Форумда жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистондаги мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий барқарорлик боис ялпи ички маҳсулот ҳажми мунтазам ўсиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Япониянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятларини тўлароқ ишга солиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Япония компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди. Бунда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МУҲИМ САБОҚЛАР, АНИҚ РЕЖАЛАР

***Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида 2009 йилнинг тўққиз ойида Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари муҳокама қилинди.***

Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси О. Ашурматов бошқарган йиғилишда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳлил қилинди. Айни пайтда маҳаллийлаштириш дастури асосида экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, саноат корхоналарини модернизациялаш борасида қўлга киритилган натижалар эътироф этилди. Шу билан бирга, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилнинг тўққиз ойида Сирдарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 4 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 6,4 фоизга, чакана товар айланмаси 17,2 фоизга, хизмат кўрсатиш 20 фоизга, капитал қўйилмалар 52,6 фоизга, қурилиш пудрат ишлари 27,2 фоизга ошган. Бундан ташқари, вилоятда бу даврда 52 та маиший хизмат шохобчаси ташкил этилиб, бу борадаги режа уддаланган.

Йиғилишда ижобий натижалар билан бирга йўл қўйилган айрим камчиликлар, муаммолар ҳам таҳлил қилинди. Жумладан, Гулистон шаҳридаги “Пана” ва Сирдарё туманидаги “Бахтсельмаш” қўшма корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми пастлигича қолмоқда, қишлоқ жойларида йўл қурилиш, ижтимоий объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларида сусткашликка йўл қўйилган.

Шундан сўнг йиғилишда камчиликларни тугатиш чора-тадбирлари ҳамда йил охирига қадар амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Тошкент вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

## ИСТИҚЛОЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг ёмони, республикамиз иқтисодиёти, асосан, хом ашё тайёрлашга мослаштирилгани оқибатида – юртимиз улкан табиий ер ости ва ер усти захираларига, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, собиқ иттифоқда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича энг охирги ўринларга тушиб қолган эди.

Юртимиз ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардаёқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ана шу чигал, оғир ва бир-биридан мураккаб муаммоларнинг тизимли ечимини ўртага ташлади. Яъни, мамлакатимизда машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели эълон қилинди.

Очиғи, мустақиллик пойдеворига биринчи ғишт 1991 йилда эмас, балки 1989 йилнинг июнида, Ислом Каримов эл-юртимиз манфаатларини ҳимоя қилиш учун астойдил курашга киришган кунларда қўйилган, десак ўринли бўлар. Бошқача айтганда, Юртбошимиз истиқлол арафасидаёқ ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилган эди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўша кезларда бир кун келиб, юртимизнинг ишлаб чиқариш соҳаларида давлат мулкининг хусусийлаштирилиши, ерларнинг деҳқон ва фермер хўжаликларига берилиши кўпчилик учун шунчаки афсона бўлиб туюлса, одамларнинг ўз хусусий мулкига эга бўлиши, ишбилармон ва тадбиркорларга кенг йўл очилиши, кичик бизнес ривожланиши учун имкониятлар яратилиши, янги-янги соҳалар, тармоқлар юзага келиши, минг-минглаб ишчи ўринлари пайдо бўлиши гўё ушалмас бир орзу-армондек эди.

Яқин келажакда Ўзбекистоннинг ўзида неча юзлаб хилдаги халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишини, халқимизнинг моддий фаровонлиги муттасил ошиб, ёшларга, кам таъминланган оилаларга, нуронийларга, ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш даражаси мунтазам юксалиб боришини эса, ўша дамларда ҳали аксарият юртдошларимиз тасаввур ҳам қила олмас эди.

Айни чоғда, мустақиллигимизнинг дастлабки даврларидаги чуқур таназзул шароитида шошилинч равишда, ҳеч бир тайёргарликсиз бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлаш, яъни “шок қилиб даволаш” усулини қўллаш эски тузум инқирозга юз тутганидан кейин республикамизда юзага келган қалтис сиёсий, ижтимоий, социал-иқтисодий вазият ва мураккаб демографик шароитда ижтимоий зиддиятларни кескинлаштириб юбориши ҳеч гап эмас эди. Зотан, ҳар қандай инқилобий йўл ҳамиша халққа фақатгина зулм келтириши ҳақида тарихда мисоллар жуда кўп. Шу боис юртимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг инқилобий эмас, балки босқичма-босқич, тадрижий йўли танланди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, бу борадаги машҳур беш тамойил мамлакатимиз бугун амалда эришган тараққиёт даражаси учун пухта замин яратди ва табиийки, бугунги кунда ҳам юксак марраларни забт этишимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Ислоҳотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби устувор тамойиллар бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг тўғрилигини ва ҳаётбахш кучини исботлаб бермоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали кузатаётган бўлсангиз, кейинги йилларда молиявий-иқтисодий таназзул туфайли дунёнинг жуда кўп мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиши кузатилмоқда. Минглаб корхоналар, банклар ва компаниялар банкротликка учраб, ишсиз қолганлар сони кўпайиб, аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашиб бормоқда. Жаҳонда юз бераётган бундай аҳволни, айниқса, инқироздан жуда катта зарар ва талафот кўраётган давлатларнинг иқтисодиётини кузатар эканмиз, табиий бир савол туғилади: бу инқирознинг Ўзбекистон учун таъсирини юмшатишга, аввало, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ҳамда энг муҳими, аҳолининг ҳаёт даражаси пасайишининг олдини олишга биз ниманинг ҳисобидан ва қандай қилиб эришмоқдамиз?

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқида айтган қуйидаги фикрлари бу саволга энг муносиб ва мухтасар жавобдир: “Бугун биз эришаётган ютуқ ва марраларнинг асосий сабабини, аввало, ўзгаларга ўхшаб, бир кунлик мақсад ва манфаатни кўзламасдан, аксинча, узоқни кўзлаб, мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини атрофлича ва чуқур ўйлаган ҳолда қабул қилинган сиёсий қарорлар ва шу асосда қатъиятлик билан амалга оширилаётган дастурларимизда кўриш зарур”.

### Банкларимиз – барқарор иқтисодиётимиз кафолати

Компьютер технологияси юртимизда ўнлаб соҳаларнинг шу қадар жадал ривожланишига хизмат қиляптики, бугун бу соҳаларда тараққий этган давлатлар билан бўйлашиб, баъзиларидан, ҳатто, илгарилаб кетаётганимизни кўриб ҳаяжонга тушасан, киши. Айтайлик, ҳозирги вақтда банкларимиз ривожланган юқори рейтингга эга, соҳадаги мураккаб ҳисоб-китобларни ҳал этишда, кредитлашда бирор муаммога ўрин қолмаган. Пул жўнатиш масаласида масофалар ўз аҳамиятини йўқотди. Эндиликда мамлакатимизнинг, керак бўлса, дунёнинг исталган бурчагидан жўнатилган пуллар лаҳзалар ичида тегишли манзилга етиб боришини тасаввур этишнинг ўзи қандай мароқли!

Ваҳоланки, мустақилликкача бўлган даврда ва истиқлолнинг дастлабки йилларида пул алмашиши ва пулнинг қадрсизланиши туфайли иқтисодиётимиз росмана инқирозга юз тутган, банкларимиз иши қарийб издан чиқаёзган оғир замонларни бошдан кечирдик. Банк орқали бир жойдан иккинчи жойга пул кўчиришдек оддий-одатий молия операциялари ғоят қийинчилик билан амалга оширилар ва бунга шу соҳада ишлаган мутахассис сифатида ўзим бевосита гувоҳман. Айтайлик, ўша даврда Тошкентдан Бухорога енгил машинада бир кунда бемалол бориб-келиш мумкин бўлгани ҳолда, банк орқали юборилган пуллар бир ойдан ортиқ вақт давомида зўрға етиб борганига нима дейсиз...

Банклар фаолияти ҳақида сўз очганимизнинг боиси бор, албатта. Негаки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келишининг асосий сабаблари, Юртбошимиз таъкидлаганидек, инқирозга юз тутган хорижий давлатларда кейинги йилларда банклар томонидан ипотека кредитлари кафолатланмаган ҳолда меъёридан ортиқча ажратилгани, аҳоли даромадлари билан таъминланмаган истеъмол кредитлари берилгани ҳамда фонд ва товар-хом ашё биржаларида чайқовчилик операцияларининг авж олиб кетганига бориб тақалади.

Молиявий инқироз нафақат иқтисодий ривожланаётган, балки иқтисодиёти мустаҳкам ривожланган мамлакатларга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатгани туфайли аксарият давлатларда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кескин пасайиши, нарх-наволарнинг тушиши, экспорт салоҳиятининг камайиши ҳоллари юзага келди. Бундай ҳолат, яъни давлат бюджети даромадлари ҳамда харажатлари ўртасидаги номутаносиблик бюджет дефицити ошишига, оқибатда товарга нисбатан пулнинг муомалага кўп чиқиши инфляция даражасининг ўсиб кетишига сабаб бўлди. Ушбу ҳол жаҳоннинг минглаб нуфузли йирик молия компаниялари ва ҳатто, бақувват банкларининг банкрот бўлишига, аксарият ҳолларда уларнинг ёпилишига олиб келди.

Кўпгина мамлакатлар юзага келган молиявий тангликни бартараф этиш учун давлат бюджетидан шошилинч равишда миллиард-миллиард доллар маблағларни компания ва банклар фаолиятини барқарорлаштиришга йўналтирди. Аммо бу давлатларда инқироз асорати йиллар мобайнида юзага келгани боис, ҳали ҳам давом этмоқда.

Мамлакатимизда юқорида келтирилган салбий ҳолатларнинг имкон даражасида енгил ўтишида, аввалambор, қонун устуворлигини таъминлаш тамойилининг ҳаётга теран татбиқ этилиши, хусусан, банк-молия тизимида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилиши муҳим роль ўйнади. Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги, “Истеъмол кредити тўғрисида”ги, “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва такомиллаштирилиши катта аҳамият касб этди.

Шунингдек, пул муомаласининг барқарорлигини таъминлашга, банкларнинг ресурс базаси ва капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга жиддий эътибор қаратилиши, маблағларнинг манзилли йўналтирилиши, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши таъминланиб, ташқи қарзларга тобе бўлмасдан ўз ички ресурсларимизга таянган ҳолда фаолият олиб борилаётгани барқарор пул-кредит сиёсатини юритиш учун кенг имконият яратмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига бу инқироз кўрсатадиган салбий таъсирларнинг олдини олиш ва юмшатишда муҳим омил бўлмоқда.

Табиийки, бу амалий жараёнларда Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури асосий манба бўлиб хизмат қилаётир. Масалан, Президентимизнинг 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ, тижорат банкларининг балансига 81 та банкрот корхона қабул қилинган. Ўтган даврда ана шу корхоналарнинг янги мулкдорларга сотилган 34 таси томонидан 87,9 миллиард сўмлик инвестициялар киритилгани ва 12 мингдан ортиқ иш ўрни яратилгани, энг муҳими, жорий йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, бу корхоналарда 131 миллиард сўмлик рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилгани ва истеъмол бозорига етказиб берилгани ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Бундай ибратли ишлар ҳозирги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асакабанк”, “Ипотекабанк” ва бошқа тижорат банклари томонидан изчил амалга оширилмоқда. Янги ташкил этилган корхоналарнинг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланиши бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ва сифатига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

### Даромадлар ва харажатлар мутаносиблиги йўлида

Бугунги кунда юртимизда давлат молиясини бошқариш борасида қабул қилинган халқаро меъёрларга мос миллий қонунларимиз ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизнинг бош молиявий хужжати — Давлат бюджети ҳар йили Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилмоқда ва унинг самарали ижроси юзасидан парламент назорати ўрнатилган. Макроиқтисодий барқарорликка эришиш ҳисобига бюджет даромадлари ва харажатлари мутаносиблашди, унинг тақчиллиги бир фоиздан оширилмаяпти. Кейинги йилларда Давлат бюджетининг профицит билан ижро этилаётгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширишда, аввалambор, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини

## БУНЁДКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОНЛИК





(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, жорий йилги тадбирда Германия, Россия, Италия, Испания, Жанубий Корея, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон сингари 15 га яқин давлатларнинг 50 дан ортиқ компания ва дистрибьютерлари ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этмоқдалар. Масалан, Россиянинг Ярославль вилоятида фаолият юритувчи масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Завод Дорожных машин” корхонаси йигирма тоннагача юкни кўтарувчи техникаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Яқиндан бошлаб бу ерда қишлоқ хўжалиги юкларини ташувчи “DM-15” русумли минисамосвал ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Кўргазмада улар ана шундай кўплаб қурилиш техникаларини тақдим этмоқдалар.

Яна бир иштирокчи — Беларусь Республикасининг “Строммашина” корхонаси маҳсулотлари ҳам қатнашчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

— Заводимизда тоғ-кон ишлари ва нефть қазиб олиш, пишиқ ғишт, йўлаклар плиткаси, цемент ҳамда бошқа халқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган технологиялар ишлаб чиқарилади, — дейди корхона бош конструктори Сергей Филимонов. — Биламизки, Ўзбекистонда бу соҳалар яхши ривожланган бўлиб, эътиборлиси, яна кўплаб янги имкониятлар ишга туширилмоқда. Айниқса, юртингизда биз каби хорижлик ишбилармонларга яратилган қулай инвестициявий муҳит ҳамкорлик алоқаларимизни кенг йўлга қўйиш имконини бермоқда. Гарчи кўргазмада илк бор иштирок этаётган бўлсак-да, бу ердаги бир нечта корхоналар билан ҳамкорлик қилаётганимизга анча вақт бўлди. “Оҳангаронцемент”, “Қувасойцемент” ҳамда “Бекободцемент” очиқ акциядорлик жамиятлари шулар жумласидандир. Ўйлаймизки, кўргазма давомида улар сафига бошқалари ҳам қўшилади.

— Республикамиз бозорида ўн йилдан буён фаолият юритиб келаяпмиз, — дейди пойтахтимиздаги “Комфорт Елит” хусусий фирмаси вакили Наргиза Дадабоева. — Биз, асосан, Италиянинг “Ariston” ва “Oikos”, Германиянинг “Krause” компаниялари билан ҳамкорликда уларнинг уй-жой қурилишида ишлатиладиган маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берамиз, шунингдек, уларни ўрнатиб бериш бўйича хизматлар ҳам кўрсатамиз. Кўргазмада шу каби маҳсулот ва хизматларимизни тақдим этаяпмиз.

Чиндан ҳам, бу йилги кўргазма таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматларнинг хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, махсус ажратилган бўлимларда намойиш этилаётган қурилиш, шиша ва ёғочга ишлов бериш ускуналари, дизайн, девор ва пол учун турли бўёқлар, мармар ҳамда тошдан ясалган буюмлар, электротехника маҳсулотлари қатнашчиларда катта таассурот уйғотмоқда.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мазкур кўргазма чет эллик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига муносиб ҳисса қўшади.

Бугун ушбу мажмуада “PharmExpo Uzbekistan” V халқаро ихтисослашган кўргазмаси ҳам очилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан лавҳалар.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

***Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади.***
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 31-модда)

## ЗИЁРАТЧИЛАР ҲАЖ САФАРИГА ЙЎЛ ОЛДИЛАР

Мамлакатимизда миллий урф-одат ва анъаналаримиз қатори диний қадриятларимиз ҳам қайта тикланиб, юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида эътиқод эркинлигини таъминлаш ҳамда диний бағрикенглик тамойиллари белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида ўн минглаб юртдошларимиз ҳаж зиёратига бориб келди. Жорий йил ҳам беш минг нафардан зиёдроқ ҳамюртимиз муборак сафарга йўл олади. Бунинг учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароит яратиб берилмоқда. Жорий йилдан эътиборан зиёратчилар учун Бухоро, Урганч ва Термиз аэропортларидан ҳам Саудия Арабистонига жўнаб кетиш имконияти яратилгани бунинг ёрқин далилидир.

— Ёшим етмишдан ошди, — дейди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Каромат Абзалова. — Ота-боболаримиз муборак ҳаж зиёратини адо этишни орзу қилиб ўтди. Шукрки, мустақиллик шарофати билан минглаб ватандошларим қатори мен ҳам муборак ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлмоқдаман. Бунинг учун Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

10 ноябрь куни муборак ҳаж зиёратига отланган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Тошкент аэропортидан Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МУЛКДОР МАҲСУЛОТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

***Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари қўмитаси Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда “Фермер хўжаликлари фаолиятига қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантириш” мавзуида республика кўргазмали семинарини ўтказди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида ташкил этилган ушбу анжуманда парламентимиз палаталари аъзолари, соҳага дахлдор вазирлик ва идоралар масъуллари, олимлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари қатнашди.

Дарҳақиқат, бугун фермерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва мулкдорларнинг ўрта бўғини сифатида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланди. Улар айни пайтда қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни йўлга қўяётгани, айниқса, қувонарлидир. Пойтахтимизда мунтазам ўтказиб келинаётган “Ўзбекистон Агроминитех Экспо” ихтисослашган халқаро кўргазмаси улар

**Анжуман**

учун замонавий технологиялар сотиб олишда ажойиб бозор вазифасини ўтамоқда. Фермерлар 2006-2009 йилларда ана шу тадбирлар орқали уч мингдан зиёд қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ҳамда паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва қуритиш технологияларини харид қилганлари бунинг исботидир. Натижада 30 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Буларнинг барчаси, табиийки, фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли дастурларнинг бажарилаётгани билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурига биноан ҳам, фермер хўжаликларига инвестициялар жалб қилиш, замонавий минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарга асосланган қайта ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилган.

Семинарда ушбу вазифаларнинг самарали ижро этилиши, фермер хўжаликлари фаолиятини молиялаш, кредитлаш йўл-йўриқлари, мавжуд минитехнологияларни қўллашда мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш каби долзарб масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари фаолиятига қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантиришга доир тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР – ҚИШЛОҚЛАР КЎРКИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

механизмини жорий этиш билан шуғулланувчи “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки фаолияти билан танишиш имконига ҳам эга бўлмоқдалар, — дейди мазкур банкнинг Самарқанд вилояти минтақавий филиали бошқарувчиси Қаюм Собиров. — Вилоятимизнинг Пастдарғом, Жомбой ва Пахтачи туманларининг ҳар бирида банк маблағлари ҳисобидан 20 тадан, жами олтмишта уй-жой барпо этилаяпти. Фуқаролар умумий маблағнинг 25 фоизи — 1 миллиард 20 миллион сўмни банкка ўтказиб беришди. Улар қолган маблағни 15 йил муддатга ажратиладиган 7 фоизли ипотека кредитлари ҳисобидан тўлаб боришади.

Кўргазмада “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси томонидан “тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида қуриладиган беш хонали уй-жойнинг намунавий лойиҳаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ундаги меҳмонхонадан тортиб, ётоқхонагача, ошхонаю ювиниш хонаси, очиқ айвон, йўлак ва бошқа ёрдамчи хоналарнинг жиҳозланишига қараб кўнгил яйрайди.

Қурилиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, хусусий корхоналарнинг кўргазмага қўйган турли ҳил материаллари, тайёр маҳсулотлари ҳам эътиборни тортмай қолмайди. “Ургут Вағашти кабель” корхонасининг 15 турдан ортиқ кабель маҳсулотлари, Самарқанд туманидаги “СамРосхолод” қўшма корхонасининг деворбоп материаллари, шифт қопламалари, мева-сабзавотга мўлжалланган пластмасса қутилари, тунука қопламалари, Пастдарғом туманидаги “Элсевар илғор” қурилиш хусусий корхонасининг хиёбонлар ва йўлакларга мўлжалланган бежирим плиткалари ва яна қанчадан-қанча корхоналарда тайёрланган эшик-ромлар, уй жиҳозлари, пишиқ ғишт ва темир-бетон буюмлари, барча-барчаси вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида қурилиш ташкилотлари етарли даражада фаолият кўрсатаётгани, улар аҳолига уй-жойлар қуришда керакли материалларни етказиб бериш имкониятига эга эканлигидан далолатдир.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур тадбирда намойиш этилаётган замонавий уй-жойлар лойиҳалари истиқболда қишлоқларимизнинг янада обод қиёфа касб этиши ҳамда аҳоли турмушининг бундан-да фаровон бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, Юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшовчи юртдошларимизнинг ҳаёт тарзини тубдан яхшилаш ҳамда қишлоқларимизни обод ва кўркам гўшаларга айлантиришни кўзда тутгани билан ҳам аҳамиятлидир. Шу маънода, Самарқанддаги тадбир бу борадаги хайрли ишларга янада кенг йўл очиши аниқ.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШУКУҲИ

кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўн йил аввал Давлат бюджетининг умумий харажатларида ижтимоий соҳага ажратилган харажатлар 45 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда мазкур харажатлар 56,5 фоиз бўлиши кўзда тутилган. 2010 йилда эса 59,1 фоиз режалаштирилмоқда. Бу кўрсаткичлар, ўз навбатида, мамлакатимизда ижтимоий соҳага бўлган эътиборнинг нечоғли устувор эканидан далолат беради.

Нафақалар, моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2008 йилда 1,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда ушбу кўрсаткич 2,2 фоиз бўлиши кўзда тутилган. Кам таъминланган ва болали оилаларга бериладиган нафақалар ижроси эса 2008 йилда 639 миллиард сўм миқдорида бўлгани ҳолда, жорий йилда 1 триллион сўмдан ортиши кутилмоқда. Айни пайтда 2010 йилда ушбу соҳага 1,4 трлн. сўм, яъни 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни изчил эркинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил қилинди. Ушбу тадбир нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлардан оқилона фойдаланишга ва уларга объектив шароитлар яратишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга сазовордир.

2009 йилги бюджет сиёсатининг яна бир эътиборли томони – бу Пенсия жамғармаси маблағларини мақсадли, яъни фақат пенсия тўловларига ишлатишга имкон яратиш ва болаликдан ногиронларга тўланадиган нафақаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлашдир. Шу мақсадда болаликдан ногиронларга тўланадиган нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан эмас, балки Республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш тартиби назарда тутилди.

Солиқ сиёсатида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида охирги ўн йилда даромад (фойда) солиғи 4 баравар, кичик бизнес субъектларидан олинадиган ягона солиқ тўлови эса кейинги 3 йилда 2 баравар камайганига бугун ҳар биримиз шоҳидмиз. Ушбу даврда умумий солиқ юки 40 фоиздан 22,4 фоизга камайди. Шунингдек, даромад (фойда) солиғи 35 фоиздан 10 фоизгача туширилди, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектларидан олинадиган ягона солиқ тўлови 8 фоизгача камайтирилди. Ўз навбатида, 2010 йилда фойда солиғи 10 фоиздан 9 фоизга, ягона солиқ тўлови эса 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мулкчилик шаклларидан келиб чиқиб солиқлар диференциация қилинди, ишлаб чиқаришни диверсификация ва модернизация қилиш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қатор преференциялар ва имтиёзлар берилди. Бундай ёндашув, аввало, аҳоли даромадларининг ортишига ҳамда бизнес фаолиятининг самарадорлигини оширишга, айниқса, солиқ имтиёзлари ҳисобига олинган қўшимча даромадлар корхоналарнинг айланма маблағларини кўпайтиришга, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилишга ҳамда ходимларни қўшимча рағбатлантиришга кенг имкониятлар яратмоқда.

Иқтисодий муносабатларнинг негизларидан бири бўлган солиқ механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида 2005 йил 7 январда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририни тайёрлаш ҳақида"ги фармойиши қабул қилинди. Унга биноан солиқ сиёсатини шакллантиришда ҳамда ривожлантиришда тўпланган тажриба ва аниқ тамойиллар, ёндашувлар, қоидалардан фойдаланиб, солиқ қонунчилигини тартибга солувчи барча норматив ва қонуности ҳужжатларни ўзида мужассам этган Солиқ кодекси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон қонунчилиги тарихида илк бор ушбу янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ҳуқуқий эксперимент тариқасида икки йилга жорий этилди. Бунда бу ҳужжатнинг амалиётдаги ижобий ҳолатларини такомиллаштириб, камчиликларини эса бартараф этиш кўзда тутилгани диққатга лойиқдир. Айни вақтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши ҳамда самарадорлигини мониторинг ва таҳлил қилиш комиссияси бу борада хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлар ҳамда мутахассислар тақдим этаётган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқмоқда. Албатта, буларнинг барчаси солиқ қонунчилигининг янада мукаммаллашувини таъминлайди.

Айниқса, ҳар бир йилга инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган махсус ном берилиб, алоҳида давлат дастурлари қабул қилиниши ҳамда уларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани, буларнинг барчасига Давлат бюджетидан манзилли харажатларга маблағлар ажратилаётгани нафақат халқимиз, айни чоғда жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортмоқда.

## Қишлоқ фаровонлиги – юрт ободлиги

Ҳар гал ободлик, бунёдкорлик ҳақида сўз борганда, қашқадарёлик отахонлар айтиб берган бир воқеа ёдимга тушади. Ўтган асрнинг 80-йилларида Қашқадарё вилоятида Таллимаржон ГЭСи бунёд этилаётган бўлиб, собиқ "марказ"дан юборилган бир мутасаддини бу ердаги ишларнинг суръати қаноатлантирмайди ва у қурилишни тезлаштириш зарурлигини айтади. Аммо қурилишга зарур материаллар, жумладан, цемент етишмас, бу муаммони жойнинг ўзида, зудлик билан ҳал этишнинг эса сира иложи йўқ эди. Шунда ҳалиги мутасадди "қишлоқларда якка тартибда уй-жой қураётган аҳолига ажратилган фонддан фойдаланиш керак"лиги ҳақида ақл ўргатади. Тошкентдан меҳмонга ҳамроҳ бўлиб келган раҳбар ҳам бу фикрни кўр-кўрона қўллаб-қувватлайди. Ўша кезларда вилоят раҳбари вазифасида бўлган Ислом Каримов меҳмонларни йўл-йўлакай Нишон ва Қарши туманлари оралиғидаги бир қишлоқ хонадонига бошлаб боради. Шу баҳона мутасадди вакиллар оддий пахса деворли хароба уйларнинг ичкари-ташқарисини ўз кўзи билан кўради, қишлоқ аҳлининг турмуш шароити қай даражада эканига бевосита гувоҳ бўлади. Табиийки, московлик амалдорнинг ўзбеклар ҳамма цементни уй-жой қуришга сарфлаётгани ҳақидаги хомхаёли қанчалик пуч экани жойида тасдиғини топади.

Ростдан ҳам, кечаги қишлоқларимиз қиёфаси ҳақида гап кетганда, дилда қандайдир бир оғриқ пайдо бўларди. Аксарият уйларнинг пойдеворида цемент-бетон, томида шифер кўринмас, гувала ёки пахса девор билан ўралган пастаккина уйларнинг табиий газ, ичимлик сув билан таъминланиши ҳам катта муаммо эди...

Бугун, мустақиллик даврида юртдошларимиз ўз толеида шундай дориламон кунлар ҳам борлигига шукрона айтишмоқда. Мана, мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинган 2009 йил ҳам якунига етиб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу борада қабул қилинган Давлат дастури асосида юртимиз қишлоқларидаги бунёдкорлик жараёнлари тамомила янги босқичга кўтарилди.

Шу йил сентябрь ойида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида қишлоқ аҳолиси учун якка тартибда уй-жойлар лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган намуналардаги энг замонавий уйлар ҳадемай қишлоқларимиз кўркига-кўрк қўшишига шубҳа йўқ. Мамлакатимизда қишлоқларни ободонлаштиришга, саноатни қишлоққа олиб келишга, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, шу мақсадда янги-янги иншоотлар барпо этишга, энг муҳими, бу ерда ҳаёт даражасини тобора ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани айни муддаодир.

Бошқача айтганда, мустақиллик халқимизга кўнгил ободлигини, демакки, эркин яшаш, яратиш ва бунёд этиш ҳуқуқи ҳамда имкониятларини ҳам ато этди. Ўз юртингда мактаб у ёқда турсин, ҳатто, оддий ҳаммом қуриш учун ҳам "марказ"даги корчалонларга ялиниб, узоқ ва баланд остоналарга бош уриб юрадиган замонлар энди ўтмишда қолди. Истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда қанчадан-қанча серфайз бозорлар, бир-биридан бежирим, тўкин-сочин савдо дўконлари, супермаркетлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, аҳолига куну тун хизмат кўрсатадиган дорихоналар бунёд этилмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги тураржой бинолари, мактаб, коллеж, лицей ва университетлар, халқаро андозаларга мос автомобиль магистраллари ва темир йўллар, замонавий кўприклар, завод ва фабрикалар, қўшма корхоналар, сўлим боғлар, хиёбонлар, дам олиш ҳамда соғлиқни сақлаш масканлари бунёд этиш, шунингдек, буюк аждодларимиз зиёратгоҳларини обод қилиш, тарихий обидаларни тиклаш ишлари нақадар кенг кўлам касб этганини ҳар бир юртдошимиз наинки кўриб-кузатиб турибди, ана шу бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда, шу бунёдкорлик меваларидан ўзлари баҳра олмоқда.

Шукрки, бугун одамларимиз ўн саккиз йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган, ҳар томонлама кучга тўлиб, чирой очиб бораётган Ватанимиз қиёфасида дунёни ҳайратга соладиган, ҳар бири ўн, юз йилларга арзийдиган ўзгариш ва янгиланишларни кўриб қувонмоқда. Мамлакатимиз эса ўзига хос тараққиёт йўлидан дадиллик билан ривожланиб бормоқда. Юртимизда саноат индустрлашган илғор технологиялар асосида тобора тараққий топаётир. Енгил саноат соҳасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганига, ҳатто, ривожланган давлатлардаги мутахассислар ҳам тан бермоқда.

Маҳсулотларимизга дунё миқёсида харидорлар сони ортиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган "Матиз", "Нексия", "Лассети", "Эпика", "Каптива" сингари енгил автомобиллар, турли русумдаги автобуслар, юк ташиш машиналари МДҲ бозорларида ўз ўрнини топмоқда. Эндиликда нефть, газ, олтин ва бошқа ер ости бойликларини ишлаб чиқаришда қандай улкан ютуқларга эришаётганимизга жаҳон аҳли ҳавас билан боқмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритяпмиз.

Натижада импорт ҳажми камайиб, мамлакатда рақобатдош истеъмол бозори ривожланмоқда ва экспорт салоҳияти ортмоқда. Шу боис ижтимоий масалалар ўз ечимини топмоқда, янги иш жойлари пайдо бўлиб, аҳоли иш билан таъминланмоқда ва уларнинг даромадлари ортаётир.

Юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида оқилона сиёсат олиб бораётган давлатимиз раҳбари доимий равишда мустақил ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга оширмоқда. Бундай доно сиёсатнинг моҳияти жаҳоннинг барча мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишдан иборат экани ҳар бир жабҳада ўз исботини топмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда Президентимиз "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!" деган ғояни илгари сурганди. Ўтган ўн саккиз йил мобайнида амалга оширилган улуғвор ишлар, эришилган юксак марралар тимсолида жонажон Ватанимизнинг келажаги чин маънода буюк экани янада яққол намоён бўлмоқда.

**Абдурафиқ АҲАДОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Динозаврлар изи

***Янги Зеландия ҳудудида динозавр излари топилди.***

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, минтақада бу турдаги йирик жониворлар қарийб 70 миллион йил муқаддам яшаган. Изларнинг энг каттаси 60 сантиметрни, энг кичиги эса 10-20 сантиметрни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, Янги Зеландияда яшаган динозаврларнинг катталиги 40 метргача бўлган.

Айтиб ўтиш жоиз, шу пайтгача мамлакат ҳудудида бундай жониворлар изи аниқланмаганди.

## Денгизда келишмовчилик

***Сариқ денгизда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳамда Жанубий Корея ҳарбий кучларига тегишли кемалар ўртасида отишма бўлиб ўтган.***

Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Дастлаб Жанубий Корея кемаси томонидан ўқ узилгани айтилмоқда. Кейин эса унга Шимолий кореяликлар жавоб қайтаришган. Қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.




Отишма келиб чиқишига Шимолий Корея кемасининг икки давлат ўртасидаги баҳсли чегарани кесиб ўтгани сабаб бўлган.

## Эрта келган қиш

***Хитойда қиш мавсумига хос ноқулай об-ҳаво шароити кузатилмоқда.***

"Синьхуа" ахборот агентлиги хабарига кўра, бу борада Пекиндаги вазият анча жиддий. Тинимсиз ёғаётган қор ва кучли бўрон туфайли авиакомпаниялар 68 та йўналишдаги парвозни бекор қилишга мажбур бўлишган, 33 та рейс эса кечиктирилган.

Автомобиллар қатновида ҳам қийинчиликлар юзага келган. Махсус ташкилотлар вакиллари йўлларни қор уюмларидан тозалашга улгура олмаяптилар.

## Боши зарардан чиқмаяпти

***АҚШнинг "Fannie Mae" ипотека агентлиги жорий йилнинг учинчи чорагини 18 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлади.***




Бу агентликнинг кетма-кет тўққиз чоракда муваффақиятсизликка учрашидир. Ушбу вақт мобайнида ташкилот кўрган зарар ҳажми 120 миллиард АҚШ долларига етган. Шу сабабли "Fannie Mae" ўз фаолиятини изга солиш мақсадида ҳукуматдан 15 миллиард доллар миқдорида ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Мамлакатимизда истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам беқиёс ислоҳотлар рўй бераяпти. Бундай улкан ўзгаришлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ташхис қўйиш ва даволаш жараёнида замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш оддий ҳолга айланиб қолди. Шу билан бирга, неча-неча асрлардан буён ҳаётий синов ва тажрибадан ўтган табиий даволаш усуллари ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.***

# «ОМОНХОНА» – ТАБИАТ ШИФОХОНАСИ

**Саломатлик**

Қадим-қадимдан табиблар беморларни гиёҳлар ва шифобахш сув билан даволашни йўлга қўйиб келганлар. "Омонхона" сиҳатгоҳи ҳам ана шундай табиат ато этган шифо масканларидан биридир. У республикамизнинг Сурхондарё вилояти, Бойсун туманининг Омонхона қишлоғида жойлашган. Бу қишлоқдаги шифобахш сувдан маҳаллий аҳоли шифо топиш мақсадида илгаридан фойдаланиб келганлар. Маълумотларга кўра, Бойсунтоғ этагида жойлашган Омонхона қишлоғи бундан етти аср илгари пайдо бўлган экан. Қарангки, шундай ўзига хос манзил истиқлолгача хароб ва ташландиқ аҳволда бўлган. Мустақиллик шарофати билан юртимиздаги кўплаб шифо масканлари, табиат қўйнидаги дам олиш оромгоҳлари қатори "Омонхона" ҳам бутунлай янгича қиёфа касб этди. Бугунги кунда мазкур даволаш маскани "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тасаррруфига ўтказилди.

Илгари Омонхона булоғининг шифобахш сувидан, асосан, шу ҳудуд аҳолисигина фойдаланилган бўлса, ҳозир бу ерга мамлакатимизнинг турли вилоятларидан беморлар келиб, дардларига шифо топаяптилар. Айниқса, жигар, ўт йўллари, қон босими, қандли диабет, ошқозон хасталикларидан азият чекадиганларга булоқ суви эм бўлмоқда.

— Бухоро вилоятининг Вобкент туманиданман, — дейди ўзини Равшан Саломов деб таништирган суҳбатдошимиз. — Тўрт йил олдин жигаримда оғриқ бошланди. Қорнимда сув йиғилди. Бир неча марта даволандим. Юрак фаолиятида ҳам ўзгариш пайдо бўлди. Шифокорлар қандли диабет деб ташхис қўйишди. Кўзимга дунё торайиб, яшашдан бутунлай умидим сўнди. Ана шундай кунларнинг бирида "Омонхона"да шифобахш сув борлигини эшитиб қолдим. Таваккал қилиб, йўлга тушдим. Озиб кетганман, қорним шишган. Сувга тушиб чиқишга ҳам қийналиб қолардим. Ўн кун ванна қабул қилиб, сувдан ичиб юрдим. Шундан сўнг танамда яхши томонга ўзгариш сезила бошлади. Энди ўзим ҳеч кимнинг ёрдамисиз сувга тушиб чиқадиган бўлдим. Қорин шиши ҳам қайтди. Шу-шу ҳар йили "Омонхона"га келиб, муолажа олиш одатимга айланди. Ҳозир жигар хасталиги умуман безовта қилмайди. "Омонхона" мен учун қадрдон масканга айланиб қолган.

Ушбу шифо масканининг суви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н. А. Семашко номидаги Саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-текшириш институтида ўрганилди. Маълум бўлдики, булоқ сувининг таркибида кремний кислотаси, темир, алюминий ва бошқа микроэлементлар мавжуд бўлиб, сульфат ҳамда магний ионлари меъёрдагидан бир неча баробар кўплиги боис у пешоб ҳайдовчи, қабзиятни бўшатувчи ҳамда қон босимини тушириш хусусиятига ҳам эга. Бундай таркибдаги сув инсон организмини, жигар ва ўт пуфаги йўлларини тозалайди. Тиббиёт тили билан айтганда, бу булоқ сувини "табиий гемодез" деб атаса ҳам бўлади.

— Яқинда ушбу соғломлаштириш муассасасида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди, — дейди бош шифокор Ҳаким Бойқобилов. — Беморлар учун барча шароитлар яратилиб, хоналаримиз зарур жиҳозлар билан таъминланди. Олтмишдан зиёд олий тоифали тиббиёт ходими беморларга хизмат кўрсатиб келаяпти. Айни пайтда сиҳатгоҳимизни кенгайтириб, мукаммал таъмирлашни режалаштирганмиз. Ана шу эзгу ниятларимиз амалга ошгач, яна кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Дарвоқе, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли ишга тушгач, "Омонхона"га келиб-кетувчилар учун ҳам анча қулайликлар яратилди. Келгусида Омонхона қишлоғи ва Бойсун йўналиши бўйича янги автобус қатнови йўлга қўйилади. Буларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Ҳ. ШАМШИЕВА.**

Alliance Insurance
*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*
**«ALLIANCE INSURANCE»**
суғурта ташкилоти
Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги 210-сонли **«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги Қонунига асосан, ўз жавобгарлигингизни ташкилотимизда суғурталашни таклиф этади.
**Суғурта бўйича мутахассис таклиф этилган жойга чиқиши таъминланади.**
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирobод кўчаси, 35-уй.
Тел.: 120-71-00, 710-30-00, 414-41-77.
www.a-insurance.uz
e-mail: alliance@a-insurance.uz
*Лицензия СФ № 00121*

РЕСПУБЛИКА ИНКАССАЦИЯ БИРЛАШМАСИ
*қуролли кучлар сафида амалда хизматни ўтаган, камида ВС категорияга эга, 35 ёшгача бўлган*



ҲАЙДОВЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий к., 19-уй.
Телефонлар: 244-39-27, 244-05-29.

"Росагропромснаб" МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 $м^3$/соатдан 500 $м^3$/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.
Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**
қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:
**сунъий мўйнадан тайёрланган қулоқчинлар, «қум» рангли ёзги камуфляж костюмлар, «соя» рангли ёзги камуфляж костюмлар, шлем остидан кийиладиган трикотаж бош кийимлар (подшлемники), денгиз тўлқини рангли майкалар, оқ рангли майкалар, денгиз тўлқини рангли фуфайкалар, хомсурпдан тайёрланган ёзги ичкийимлар, иссиқ тутадиган трикотаж ичкийимлар, денгиз тўлқини рангли жемперлар, ҳарбий хизматчилар учун трусиклар, 20 мм. тасмали шим камарлар, ип газлама пайпоқлар, денгиз тўлқини рангли резина аралашган плаш-ёпқичлар (плащ-накидка), бир кишилик пахтали матрас, пахтали ёстиқ, кир ювиш кукуни, фурнитура, қўнжи баланд булғори чармли ботинкалар.**
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.
*Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 20 ноябрь соат 17.00 гача.*
Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

